



# XXI

# asr

## ИЖТИМОЙ-СИЮСИЙ ГАЗЕТА

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

2-noyabr 2023-yil 44 (1042)



www.21asr.uz



@XXIasr\_yangiliklari



XXIasrgazetasi



xxi\_asr@mail.ru



asr\_xabarlarlari\_news



## ЭНГ КАТТА КУЧ, ЭНГ КАТТА БОЙЛИК – ТИНЧПИК ВА ОСОЙИШТАПИК

Бу дунёда бойликлар беҳисоб: моддий ва маънавий бойликларни санаб адоғига етиш мушкул. Лекин улар орасида ТИНЧЛИК аталмиш буюк саодат, неъмат борки, унинг бошқа қиёси йўқ! Донишмандлар бекиз юрти тинчнинг ўзи тинч, деб айтмаган. Тинчлик-осоийишталик ҳукм сурган жойдагина халқ фаровон яшайди, юксалиш, тараққиёт, бунёдкорлик бўлади.

Шу маънода бугун дунё ҳаритасига боқсангиз, қанча давлатларда турли кўринишдаги можаролар, куролли тўқнашувлар рўй берадиганига гувоҳ бўласиз. Яратганга минг қатла шукрки, бизнинг минтақада, хусусан, Ўзбекистонда шодмонлик, фарахбахш кунлар, барқарорлик ҳукмрон. Кўп миллиат бағрикенг халқимиз тинч-хотиржам ҳаёт кечирмоқда.

Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-киш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган йиғилишда кун тартибига ўтишдан аввал ҳозирги кунда бутун дунёда катта ташвиш ва хавотир ўйғотаётган масалага тўхталди.

“Маълумки, Истроил армияси ва Хамас ҳаракати ўртасида давом этадиган куролли тўқнашувлар гуманистар инкизозни чуқурлаштироқда, тинч, бегуноҳ аҳоли орасида кўп сонли қурбонларга олиб келмоқда.

Болалар ва аёллар ҳалок бўлмоқда, одамлар боштанасидан айримлоқда, ўз уйларини ташлаб кетишига мажбур бўлмоқда.

Биз Фаластин ва Истроил томонидан қурбон бўлган барча инсонларнинг оиласаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этамиз.

Мен Fazо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташиқилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион

500 минг доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилдим.

Биз Фаластин ҳалқи билан бирдам эканимишин қатъий билдирамиз ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфисизлик Кенгашининг илгари қабул қилинган резолюцияларига мувоғиқ ўз мустақил давлатини барпо этишига бўлган ҳуқуқини кўллаб-қувватлаймиз”, деди Президентимиз.

“Ўўравонлик янада авж олаверса, бу ҳалқаро вазиятнинг кенг миёсёда издан чиқшишига, қуролли тўқнашувларга янги кучлар тортимишига олиб келади.

Бўларнинг барчаси Яқин Шарқ минтақаси билан чекланмай, узоқ ўлкаларга ҳам тарқалиб кетадиган, оқибатини башорат қилиб бўлмайдиган фожисаларга олиб келиши мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар иккни томонни зудлик билан гуманистар мақсадларда муросага келишига, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низони тинчлик ўзли билан ҳал этишига чақирамиз.

Маълумки, биз яшаётган Марказий Осиё минтақаси турли миллат ва конфесиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечириши бўйича ноёб тажрибага эга.

Бу заминда асрлар давомида мусулмон, христиан ва яхудийлар дўстлик ва ҳамжислатликда ёнма-ён яшаб келяптилар.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча юртошлиримизга, аввало, ёшларимизга мурожаат қилиб, уларни турли ёлғон ташвиқотларга берилмасликка, қонунга зид хатти-ҳаракатлар соидир этмасликка чақираман.

Бизнинг энг катта қучимиз, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч ва осоийшта ҳаётимизни, ўзаро бирлик ва ҳамжислатлигимизни барчамиз биргаликда асраримиз зарур”, деди давлатимиз раҳбари.

“XXI asr”нинг шу ва бошқа долзарб масалалар таҳлилига багишланган шарҳи билан газетатимизнинг 5 -саҳифасида батафсил танишасиз.

### БУГУНГИ СОНДА:



СОҲАВИЙ АДАБИЁТЛАРНИ  
ДАВЛАТ ТИЛИДА ЁШИШ ВА ЧОП ЭТИШ  
ФУРСАТИ КЕЛДИ

АЗАЛИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

ҲАММАМИЗ КАСАЛМИЗ!

“АСР ВАБОСИ”ГА АЙЛАНАЁТГАН НОМОФОБИЯ

ОВУНА 2024

XXI АСРНИНГ 24-ЙИЛИДА  
ҲАМ “XXI asr”  
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!



Обуна индекси – 406.

Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.



## УНУТИЛМАС ТАШРИФ ВА МАДАНИЙ ДАРАЖАМИЗ МЕЗОНИ

Жорий йилнинг 30 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидағи O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ийғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятiga ташрифи якунларидан келиб чиқувчи устувор вазифалар қызғин мұхокама қылнди.

Тақидланғаннан, давлаттамиз раҳбари үз фаолияти давомида ҳар бир соҳа бўйича бевосита жойларга чиқиб, ҳалқ билан мулоқот қўлмокда ва ахоли ҳаётидан келиб чиқиб иш юритмоқда. Худудларга ташрифи чоғида асосий эътибор қишлоқ ахолисининг турмуш даражасини кўтариш, туманларни саноатлаштириш, иш ўринларини кўпайтириш, ижтимоий шароитларни яхшилашга қартилади.

Қашқадарё вилоятiga бу галги ташриф ҳам даставвал ахоли вакиллари, оддий одамлар билан сұхбатлашиш, хол-аҳвол сўрашдан бошлианди.

– Президентимизнинг худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожи билан таниши максадида Қашқадарёга ташрифи катта воқеилика айланди, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шаҳноза Ҳолмажматова**. – Ушбу учрашув вожа ахлига чексиз гурур-ифтихор турмуш даражасини кўтариш, туманларни саноатлаштириш, иш ўринларини кўпайтириш, ижтимоий шароитларни яхшилашга қартилади.

Сабаби, давлаттамиз раҳбари қаерга бормасин, ким билан учрашмасин, ўзаро мулокот чоғида ҳалқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини намоён этиди. Ташрифдан пирворд максад эса вилоятнинг уч ярим миллионлик

ахолиси турмуш шароитини яхшилаш, оғирини ёнгил қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришди.

Фракция азоларининг айтишича, кичик бизнес ва эркин тадбиркорлик – кучли иқтиносидёт асоси. Мамлакатимиз тараққиётининг охириги йилларига эътибор қартиласи, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, умуман, тадбиркорлик қиласман, деган инсон борки, ҳар томонлама кўллаб-кувватланмоқда. Бунинг ортидан эса барча соҳалarda ўсиш кузатилияти.

Воҳада ҳам ишбйлармонлар учун барча шарт-шароит, имкониятлар бор. Юрточимиз уларга бўлган ишончини яна бир бор кўрсатди – китоблик тадбиркорининг IT кластерига учишеритет очиш ташаббусини маъқуллadi. Бу, ўз навбатида, худудда бизнес кенг кулоч ёйиши, янги иш ўринлари яратилиши, энг мухими, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни хизмат киради.

Мұхокамалар давомида сўз олган фрак-

ция аъзолари Қаҳрамон Эргашев, Гулшана Худоёрова ва бошқалар мазкур ташрифнинг аҳамиятига томонларига тўхталишид. Ийғилища Президентимизнинг ўшиб тушириф якунларидан келиб чиқиб, партия ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгилаб олниди.

Фракция йиғилишида кўриб чиқилган кейинги масала – “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойҳаси бўлди.

– Мазкур қонун лойҳаси билан киритилаётган ўзгартишлар партиянимиз дастурда белгиланган ғоя ва максадларга уйғун ва ҳамоҳанг, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қаҳрамон Эргашев**. – Чунки ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси унинг хотин-қизларга бўлган муносабатига қараб белгиланади.

Хотин-қизлар ва эрқаклар мамлакат ри-

вожида иштирок этишда тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Опа-сингилларимизнинг хуқуқ ва мағфаларини таъминлаш, ундинг қўбилият ва салоҳиятини намоиш этиши учун шароит яратиш, роли ва мақомини ошириш O'zLiDeRning ҳам энг мухим вазифаларидан бўриди.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозара ва тортишувга бой бўлган ийғилиш давомида дематлар қонун лойҳасининг аҳамияти ва зауратини, унинг қабул қилиниши аёлларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқарища ги ролини кучайтириш, сёйсий фаолигини оширишига хизмат қилишини қайд этган ҳолда, уни кўллаб-кувватладилар.

Ийғилища фракция ваколатига таалукукли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
“XXI asr” мубхири

### МУНОСАБАТ



### ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

## Мұхокамалардан сўнг... қонун қабул қылнди!

Бир гурӯҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишилаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришига қаратилган ўзгартириши ва қўшимчалар киртиши тўғрисида”ги конституцияий қонун лойҳаси биринчи ўқшидот қабул қилиниб, шу йилнинг 10 октябрь куни жамоатчилик мұхокамасига қўйилган эди.

Мұхокамаларда ёшлар, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари билан бир қаторда O'zLiDeP вакиллари ҳам ўз таклиф ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этди. Хусусан, партия Сиёсий Кенгаш Икроя кўмитаси ва барча худудий кенгашлар томонидан партия фаоллари ва кенг жамоатчилик билан биргалиқда ушбу ҳужжат мұхокамаси ўтказилиб, кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг 31 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришига қаратилган ўзгартириши ва қўшимчалар киртиши тўғрисида”ги конституцияий қонун лойҳаси иккиси ўқишида кўриб чиқилди.

Конституцияий қонун билан Сайлов кодексига ҳамда 7 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киртилимоқда. Ушбу ўзгартиришларга мувоффик, қонунчилик палатасига депутатлик ўрнининг 50 фоизи мажоритар ва 50 фоизига пропорционал тарзида сайлов ўтказилиши белгиланмоқда.

Мұхокамалар давомида O'zLiDeRning пар-

ламентдаги фракцияси аъзолари фаол иштирок этишида ва ҳужжатдаги айрим нормалар бўйича ўз тақлифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирилдиар. Уларнинг аксарияти инобатта олингани эътиборга молик.

Конституцияий қонун мамлакат ҳаётидан, давлат ва жамият бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини янада оширишга, Сайлов комиссияларининг профессионал тарзида иш олиб боришни таъминлашга хизмат қўлади.

Шу куни мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойҳаси ҳам кенг мұхокама этилиб қабул қилинди.

Ушбу қонун билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизига ошириши назарда тутивчи ўзгартишлар киришимоқда.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда мамлакат аёлларининг ижтимоий макомини кучайтириш, хотин-қизлар ва эрқаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг кўллами истиҳотлар амалга оширилмоқда.

Янги таҳтиридаги Конституцияяда хотин-қизлар ва эрқакларнинг тенглигини таъминлашнинг янги механизмиларни назарда тутивчи конституцияий асослар мустаҳкамланди. Хусусан, 58-моддада давлат хотин-қизлар ва эрқакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқарниша, шунингдек, жамият давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди, деган қўда мустаҳкамланди.

Юқоридаги ҳужжат билан эса партия рўйхатидаги кетма-кетлиқда қамиди ҳар беш нафар номзоднинг иккى нафари аёл киши бўлиши назарда тутивчи. Бу эса гендер тенглижини таъминлаш, хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини рўйбла.

Насимжон АЛИМОВ,  
O'zLiDeP Сиёсий таълим маркази раҳбари

## СОҲАВИЙ

## АДАБИЁТЛАРНИ

## ДАВЛАТ ТИЛИДА ЁЗИШ ВА ЧОП ЭТИШ ФУРСАТИ КЕЛДИ



ЮНЕСКОнинг маълумотига кўра, бир пайтлар дунёда 8 мингга яқин тил мавжуд бўлган. Афсуски, кўпчилик ҳалқлар ўз тилларини сақлаб қолиш учун курашмаган, ривожлантириш йўлида қайғурмаган. Бунинг оқибатида ҳозирда 6 мингга яқин тил колган, холос. Глобаллашув кўп ҳалқларни она тилларидан мосую этаётгандар бор гап. Янги технологиялар амалиётга кенг табтиқ этилиши оқибатида ҳам таълим тизимида ўз тилдан фойдалана олмайтган элатлар сафи ошиб бормоқда. Бирор тилнинг яшаб қолиши учун камида бир миллион одам мулокот қилиши зарур экан. Дунёда бор-йўғи 250 та ана шундай тил мавжуд бўлиб, ўзбек тили 50 миллион сўзлашувчиси борлиги билан жаҳонда ўтказилган ўринга эга.

Ўзбек тилининг ҳалқимиз ижтимоий ҳаётни ва ҳар бир соҳаларни ошириш, ёшларни ватанпаварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлаконли жорий этишига муносаби ҳисса қўшиш максадидан корхонамиз иҳси-ҳодимлари ўртасида мунтазам равишда диктанта ви иншолар танлови ўтказиб келинади. Бу йил заводимиз марказий лабораторияси кимёвий таҳлил лаборант Юлдуз Абдураҳмонова, маркетинг ва сотиш бўйича

бошқарма иқтисодчиси Маҳзума Кўч-кинова, 1-цех тарозибони Нилуфар Норқобилова, боз механика хизмати мұхандис-конструктори Ибодулла Мусулов, 1-цех техники Мавсумма Ёкубова ғолиблар сафидан ўрин олди. Уларга ўзбек адабиётининг сарбаасларидан иборат китоблар жамални таъминлашди.

“Деҳқондонон Калий заводи” АЖ бошқарув раиси Тўлиқин Зарипов таъбуси билан ишчи-ҳодимларга таъвудлайди. Корхонамиз мутахассислари учун зарур ўнтача илмий китоб бор, уларга тушунарли бўлиши учун она тилининг ўтириш талаб этиляпти. Бунинг учун пойтахтада малақали таржимон топиш ва каттагина ҳаракат қилиш зарур, устига устак, мазкур ишлар яхшигина вақт талаб қилиди. Назаримда, саноат корхоналари учун керакли илмий адабиётларни давлат тилида ёзиш ва чоп этиш фурсати келди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Тилга ихтиёриз – элга эътиборисиз” деганида минг карга ҳақ эди. Она тилини севган инсонигина ўзи туғилиб ўсган муқаддас макон қадрорини идрок этди, қалбида юртга муҳаббат жўш уради. Зебинисо САЛИМОВА, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчи





Сўнгги йигирма йил давомида ўқитувчи, мактаб директори, маҳаллий кенгаш депутати сифатида олиб борган фАОЛИЯТ Таддиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан чамбарчас боғлиқ, десам муболаға бўлмайди. Аслини олганда боболардан мерос қолган шу азиз Ватан равнаки, бизни ардоқлаб катта қилган шу меҳнаткаш, бағрикенг ҳалқимиз саодати учун хизмат қилишдан ортиқ бахт борми ўзи бу дунёда!

Кечидек ёдимда. Бундан йигирма йил илгари мамлакатимизда ишбилармонлик мухитини жонлантириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиши ва шу аснона да эндиғина қаддини тикилаган мустақил Ватанимизни гуллаб-яшнаган діёрга айлантириш ташабуси билан чиққан иши гурух аъзолари Жиззах вилоятида ҳам қизғин фАОЛИЯТИНИ бошлаб юборган эдилар.

Ташабускор гурух аъзолари вилоятда партиянинг “Ёшлар қаноти”ни шакллантиришини, сафимизга элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, янги сиёсий куч ғоялари, мақсад ва вазифаларини ҳар томонлами кўллаб-куватлайдиган, уни кенж жамоатчилик орасида тарғиб қила оладиган билимни, сергайт йигит-қизларни жалб қилишини менга ишониб топширишида.

Биз “Ёшлар қаноти”нинг дастлабки 48 нафар аъзосини бўнгани кунда воҳамизда обрў-эътиборли инсонларга айланган маслаҳотларимиз – Ўзбекистон Ҳақармони. Парда Зиёдов, Ўзбекистонда хизмат курсатган қурувчи Эркин Холматов, “Дўстлик” ордени соҳиби Нуратулла Пардаев, вилоят истеъмолчиликар ҳуқуқларини химоя қилиш ҳудудий бирлашма раиси Гулнозар Нуртоева, таникли тадбиркор Комилкон Абдусатторов, ҳам-қасим Сайёра Ҳамроқулова ва бошқалар билан бирга ҳамфирқлидик кўриб чиққанимиз. Билмаганларимизни улардан ўргандик. Муайян тажриба ортиридик.

2023 йил 15 ноябр куни пойтактимизда O'zLiDeP-ning тасвиста съездиде бўйлїк ўтганди. Унда Жиззах вилоятидаги ёшларномидан делегат бўйлїк иштирок этишига муясир бўйдим. Съездда партия ўз Дастури ва Уставини тасдиқлаганда менинг ҳам овозим инобатга олинганидан ҳоризигча фурӯшиланб юраман.

Ўшандо мамлакатимиз эндиғина бозор иқтиносидетига босқичма-босқич ўтётганд, шу сабабли одамлар онгу шуурода, дунёкарашиба ишбилармонлик тушунчалари ҳар тўлиқ шаклланған улгурмаган вақтлар эди. Тадбиркорлик фАОЛИЯТИДА тусиклар, текшир-текширлар кўп, бироқ маблағ етишимдиган кезлар эди.

Биз – янги партияниң “Ёшлар қаноти” фАОЛЛАРИ, маҳаллий кенгаш депутатлари билан тадбиркорларни, айниқса, ёш ишбилармонларни кўллаб-куватлашга, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга астойдик.



Нигора АСҚАРОВА,  
Халқ депутатлари  
Шароф Рашидов  
туман кенгashi депутати

дил киришдик. “Энг намунали ёш тадбиркор” лойиҳаси ёшларимиз томонидан жуда катта хайриҳоҳлик билан кутиб олindi. Кўмагимиз теккан ҳар бир тадбиркор, ҳар бир бизнес вакилининг ўзимизнинг ўтуғимиздек кўриб, севингланларимиз ҳеч эсмидан чиқмайди.

Гарчи бугун маҳаллий кенгаш депутати бўлсан-да, ҳали-ҳамон партия “Ёшлар қаноти” фАОЛЛАРИ билан яқиндан ҳамкорлик қиласман. Йиллар давомида шаклланган хайрли анъаналарни улара етказишга интиламан. Бугунги кунда O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгashi таркибида 1011 ta БПТ мавжуд бўйлїк, улар ўз сафларида 102 минг 640 нафар маслаҳотимизни бирлаштирган. Қуонарлиси, уларнинг яримдан ёшлар ташкил киласми.

Ўзаро сұхбатларда, учрашувларда ёшлар “Партия сизга нима берди?” деб сўраб қолишида. Мен уларга: “Партия менга ҳалқимизга хизмат қилиш имконини, устозлар билан бирга ишлаш, одамлар дардига дармон бўйлїк баҳтини берди”, деб жавоб қайтараман. Бу баландарвуз гаплар эмас. Алишер Навоий бобомиз айтганидек, “Одамларнинг дардига дармон бўлиш – инсонийликнинг олий намунаси”дир.

Бугун юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари янада кучайтириш мақсадида кенг кўлламислоҳотлар амалга оширилмоқда. Маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар ҳам алоҳида эътирофа молик.



## Биз жамиятга керакмиз

O'zLiDeP Сиёсий Кенгashi Ихроия кўмитаси, партияниң Тошкент вилоят кенгаш ташабуси билан Республика маънавият ва мърифат маркази Оҳангрон туман бўлими ўзаро ҳамкорлиқда 48-сон манзил колониясида ҳуқуқий тарғибот таддири ўтказди. “Биз жамиятга керакмиз” мавзусида ўтган очик мулоқотда партия ва ҳамкор ташкилотлар мутассадилари ҳамда маҳкумлар иштирок этиши.

Сўзга чиққанлар юртимизда оборида кенг кўллами янгиланишларининг мазмун-моҳияти, уларнинг замандаши инсон ва унинг қадри ётганига алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар озодликдан маҳкумларни ўтганда шукм қилинган шахсларга жазони ўташа шароитларини халқаро стандартларга муво-



қилаётгани таъкидланди. O'zLiDeP ҳам жинончиликка қараш ва ҳуқуқбизарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришиннестурвазифаларидан деб билишига урғу берилди. Маҳкумларнинг ўз ихтиёрига кўра ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам олишиларни таъминлаш, жазо муддатини ўтаб, яшаш жойларига қайтганлашридан сўнг ҳёйтга мослашиш, тегиши шакилотлар билан ҳамкорлиқда ишга жойлашишларига кўмаклашида партия камарбаста экани қайд этилди.

Тадбир давомида маҳкумларнинг саволларига малакали мутасислар батафсил жавоблар бериши.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгashi бўйлїм мудири

қилаётгани таъкидланди. O'zLiDeP ҳам жинончиликка қараш ва ҳуқуқбизарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришиннестурвазифаларидан деб билишига урғу берилди. Маҳкумларнинг ўз ихтиёрига кўра ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам олишиларни таъминлаш, жазо муддатини ўтаб, яшаш жойларига қайtганлашriдан sонг ҳёйтга мослашиш, тегиши шакилотlар bilan ҳамкорliқda иshga жойlaшишlарiga kўmакlaшиda partiya kamarbasta ekani qайд etildi.

Tadbir давомида maҳkuмlарnинг sавolлariга malakali mутasisslar batafsil jahoblar berishi.

Zuxro MIRZOҲAMDAMOVA,  
O'zLiDeP Toшkent viloyat kengashi bўyliм mudiri



## “ЎТЛОВИ УЗОҚ... МАНЗИЛ ЯҚИН БўЛСИН!”

Хоразмда янги автоулов олган  
биородарни табриклаганда “Ўтлови узоқ  
бўлсин!” дейиш одати бор.

Куни кеча вилояттага “Comfort Auto Hamkor” масъулияти чекланган жамияти умумий кўймати 1 миллион 104 минг АҚШ долларига тенг 4 та “Yutong” ва 4 та “Zhongtow” русумни замонавий автобусларни олиб келди. Мазкур автобуслар энди “Урганч-Тошкент-Урганч” йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Эътиборлис, йўловчиларга кўйилади яратиш мақсадида чипталарни мобил иловга орқали ҳарид қилиши ва “Catering” хизмати ҳам йўлга кўйилмоқда.

Вилоят нисбатан узоқда жойлашгани боис пойтахт ва бошқа вилоятларга хизмат сафари ёки саёҳат учун бориш орзусида бўлгандарга, гарчи ҳафтанинг ҳар куни Хоразмда Тошкент ва Фарғона водийсига тўртта йўловчи поезд қатнаётган бўлса-да, чипта топши сўнглийларда катта муаммога айлананди. Бунинг асосий сабабларидан бири, масалан, қадим Ҳивани кўриш учун йилга бир миллиондан ортиқ хорижий ва маҳаллий сайёҳлар қадам ранжида қилишмоқда. (Устига устак, самолётлар қатнови кам ва чипталар нархи ҳаддан ташкири баланд эканлиги, қолаверса, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати пастлигига қолаётгани, нарх-навонинг юқори эканлигини ҳам яшишмаслик керак).

Эътироф этиши лозимки, сўнгли пайтада вилоят тадбиркорлари ўз маблағлари ва банк кредитлари хисобидан кўплаб замонавий русумдаги микробус вилойатида вилоятларни таъминлашади.

Нима бўлганда ҳам ўз сармояларини йўловчиларга хизмат кўрсатишга йўналтираётган элпарвар тадбиркорларга харид қилишлари эвазига

Рўзимбой ҲАСАН,  
“XXI asr” мухбири

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲУДУДЛАРДА

## Конституциявий қонун лойиҳасига багишланди



Узбекистон Конституциявий қонун лойиҳасиги қабул килиниши сайдов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришига қаратилган ўзгарттириши ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти тарғиботига багишилан учрашв ташкил қиласиди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгаш депутатлари, мутасадди ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда парламент ҳамда сиёсий тартияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришига қаратилган кенг кўллами ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам Сайдов кодекси ҳамда 7 та қонунга тегиши ўзгарттириши ва кўшимчалар киритилиши назарда тутиди. Наъбатдаги сайловлар, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси деялганини таъвишларни илмарта мажаритар-пропорционал (аралаш) сайлов тизими асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашганинг тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбулаштириш ҳамда Марказий сайлов комиссияси таъвишларни тақомиллаштириш механизmlарини таъвишига олиб келади.

Лойиҳада назарда тутилган нормалар халқаро сайлов стандартларни таъбиғига ва хорижий давлатларнинг ҳақида батафсил сўзлэди.

Худди шундай тадбир Тахтакўпир туманида ҳам ўтказишади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Баҳтийоб Алдамуратов қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, сайлов тизими ва турлари ҳақида батафсил сўзлэди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгashi матбуот хизмати

# ТИНЧЛИК ШУКРОНАСИ

ЁХУД АЛЛА ЎРНИГА ЎҚ ТОВУШИДА “ТАРБИЯ”ЛНАЁТГАН БОЛАЛАР ҚАЙҒУСИ

**ОЧИГИ, БУГУНГИ ШАРҲИМИЗНИНГ МАВЗУСИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАШ БҮЙИЧА КҮП МУЛОҲАЗА ЮРИТДИК. ТАЖРИБАЛИ ҲАМКАСБЛАР БИЛАН АТРОФЛИЧА МАСЛАҲАТЛАШДИК. ЎЗБЕКИСТОНГА ЯҚИН ВА ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ВОҚЕАЛАРНИ МУНТАЗАМ ХОЛИСОНА ТАҲЛИЛ ЧИФИРИГИДАН ЎТКАЗАДИГАН ЭКСПЕРТЛАР БИЛАН ФИКРЛАШДИК. БАРҚАРОРЛИККА ОЗГИНА ПУТУР ЕТГАН МИНТАҚАДА ИҚТИСОДИЁТ ВА ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА КУТИЛАДИГАН УЛКАН ОҚИБАТЛАР ХУСУСИДА ЯНА БИР БОР ОБДОН ЎЙЛАБ КЎРДИК. БУНДАЙ НУҚТАИ НАЗАРЛАРНИНГ ҲАММАСИ ПИРОВАРДИДА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИДА ТАЪМИЛНАЁТГАН ТИНЧЛИККА ШУКРОНА ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИБ ТАҚАЛАВЕРДИ.**

## МАЊАВИЙ ЖАРОҲАТЛАРНИ ҚОПЛАБ БЎЛМАЙДИ

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирда МДҲ ғарби ва Ғазо секторидаги воқеалар, шунингдек, кўши Афғонистондан тарқалаётган хабарлар жаҳон ҳамжамиятининг диккат марказида бўлиб туриди.

Карама-каш томонларнинг бу хатти-ҳаракатлари расмий равишда “ўзаро можаро” ёки “маҳсус ҳарбий операция” деб аталгани билан буни одамлар оддий тилда уруш дейди. Энг ачинарлиси, унда мазкур тўқнашувларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тинч аҳоли вакиллари қурбон бўймадо. Улар орасида болалар, аёллар ва қарияларнинг борлиги бағритош инсонларни ҳам ларзага солини табиб.

Жанжаллар туфайли юз берәтган иқтисодий йўқоташлар, ривожланышдан чорак асрлар орқада колишилар... майли, уларнинг ўрнини қаҷонлардир тўлдириш мумкиннадир, лекин маънавий жароҳатларни ҳеч нарса билан қопла бўлмайди. Урш бўлаётган ҳудудлардаги болалар бутун дунёни шундай тасаввур қилиб вуга етәтгани, алла ўрнига ўқ, товушини хотирасига муҳрлаётган гўдаклар ноласи заминин тутаётганини кўриб титраб кетасликинг юзлини.

Дунёдаги мурракаб вазиятни лиммо-лим пілелага қиёслаш мумкин. Салтинг нотуғи ҳаракат туфайли ҳаммаси бир пасда ўйқ бўйлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз юртимиздаги тинчлика, давлатимиз раҳбарининг қатый сиёсий иродаси сабабли саклаб турилган осойишталикка шукрона айтишимиз керак. Ҳар биримиз бунга ниманинг эвазига эришилаётгани ҳақида чукр ўйлашимиз лозим.

Ўзбекистон Ғазо секторида тинч аҳоли орасида кўп-лаб қурбонларга олиб келган ва бутун Якин Шарқдаги вазиятни сезиларида дараҳада мурракблаштирган ҳолат кескинлашганидан жиҳдий ҳавотир билдираётганин бежиз эмас, албатта. Биз курашаётган томонларни куроли қарма-қаршиликни тез фурсатларда тугатиш ва инкоризони сиёсий ҳамда дипломатик воситалар орқали ҳал қилиш учун барча чораларни кўришга чакриш тарафдоримиз.

Россия ва Украинадаги можаро бўйича ҳам позициямиз Жуда аниқ. Биз қон тўклишини истамаймиз. Бу икки давлат билан ҳам иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда изчил ҳамкорлик қилишни истаймиз. Кўп йиллар давомида шакланган, ўзаро ишонч ва яхши қўшичиллик тамоилиларига асосланган муносабатларни аввалидан-да яхшироқ босқичда ривожлантиришина мақсад қилганимиз.

Кўши Афғонистондаги воқеалар ҳам доим ҳаёлимиини банд қилиб келади. Жафокаш ҳалқа қандай қилиб бўлмасин, ёрдам беришни хоҳлаймиз. Ота-боболаримиз удуми бўйича, шотганга ҳам ошатамиз. Яқиндагина ўзбекистон томонидан Афғонистонга қариди 100 тонна инсонтарварлик ёрдами иборилгани ҳам фикримиз далилдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан иборилган гуманитар ёрдам таркибида ун, бугдой, ёғ, макарон, гўшт, гурӯч, шакар сингари озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, ҳодир ва ёғинчилар, бирламиチ тиббий ёрдам учун зарурӣ барча воситалар бор. Инсонтарварлик ёрдами махсус юқ самолётida Ҳирот шаҳрига етказилди.

## АҲБОРОТ ХУРУЖИ ОҚИБАТЛАРИНИ АНГЛАЯПМИЗМИ?

Айтмоқчи бўлган яна бир фикрим – аҳамияти жиҳатдан юқорида тилга олинган урушлар оқибатидан кам эмас. У ҳам бўлса тўқнашувлар фонидага уюштирилаётган аҳборот хуруждир. Биз нафакат ўзимизни, балки яқинларимиз, фарзандларимиз, қўни-қўшнимизни ҳам соҳта маълумотлар урушидан асранимиз керак.

Қайсида сайтда ёки ижтимоий тармоқ саҳифаларида нимадир эълон қўлинган бўлса – шу тўғри экан, деб кўр-кўрана эргашаслигини – фақат ва факат ишончли манбаларга таънишмиз даркор.

Мана бир мисол: айрим оммавий аҳборот воситалари Якин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлар чигидаги асирга олинган ўзбекистон фуқаролари ҳақида тасдиқланмаган маълумотларни тарқатди. Натижада кўччилик ҳаловатини йўқотди. Осоитида ҳаётига путур етди. Ваҳима кучайди.

Яхшиямки, ўзбекистон Республикасининг Ислоридаги элчиносига маҳсус байдоғ орқали бунга ойдинлик киритди. Ғазо секторидаги можаро ҳудудларида мажбуран ушлаб турилганлар орасида ўзбекистон фуқаролари борлиги ҳақида маълумот келиб тушмагани маълум қилид.

Аҳборот уруши ниҳоятда юқори нуқтага чиқиб бораётганини сезиз учун таникли эксперт ёки катта олим булиш шарт эмас. Бир воқеани тарафлар иккى хил талқин килаётганини ўзи унда холислик йўйигини англағатди.

Катта-катта давлатлар бўладими, Европа ёки Осиё қитъасидаги нуғузли телеканаллар бўладими – манфаатлар мувозанатини таъминлай олмайтанига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз мустакил фикрларимиз, ижтимоий тармоқларда тарқатлаётган хабарлар кимнингдир гарасида манфаатига хизмат қилаётганини тегран ўйла бўйримиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига БАА, Жазоир, Иордания, Кувайт, Миср, Катар, Фаласатин, Саудия Арабистони ва Ислоридаги Тошкентдаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари қабул қўлинганини ҳам ана шу ҳайрли саъй-ҳаракатлар натижасидир. Ушбу мулокотда бошқа масалалар каторида Ғазо секторидаги мавжуд вазият юзасидан атрофлича фикр алмашиди.

– Биз яна бир бор барча томонларни тинч аҳоли орасида минглаб инсонлар, жумладан, болалар қурбон бўлаётган қуролли можарони тўхтатишга, ечим топиш учун фақат дипломатик воситалар ва халқаро ҳуқуқ мөбъерларидан фойдаланишига даъват этамиз, – дейилади ТИВнинг мазкур учрашув юзасидан атрофлича фикр алмашиди.

## ГЕОГРАФИЯ ЁКИ МАСОФА ТАНЛАМАЙДИГАН ЖАРАЁН

Аниқ маълумотга эга бўлмаган инсон соҳта аҳборотларга чипла-чин ишонди ва бошқаларга ҳам шуни сингидиради. Билиб-билим тарафкашликка ўтади. Диндошлик ва яна қандайдир ришталарни рўйача қилиб чиқади. Бу эса бизнинг анъаналаримизга, ажодларимиз асрлар давомида тинчлик тарафдори бўлиб келгани билан боғлиқ эзгу фалсафамизга тўғри келмайди. Билакс, ҳозирги вақтда нотинч-



лик география ёки масофа танламайди. Шундай экан, Президентимизнинг одилона ва оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонда тинчлик ҳукм суроётганига, осмонимиз масофа эканига шукрона айтамиз ва бо осоишталикнинг қадрига этишимиз лозим.

Пойтаҳт сайлогоҳида якшанба куни руҳсат этилмаган акция ўтказиш ва унда қатнашиши режалаштирган фуқаролар жавобгарликка тортилганидан сабоқ чиқаришизм айни муддаодир. Зеро, мана шу акция ҳам ижтимоий тармоқлар орқали пайдо бўлган. Қайсида мамлакатдаги банднердан кўчирилган “чақирик”лар эса умуман мантиқа тўғри келмайди.

Акцияда иштирок этиш учун нафакат шаҳар аҳолиси, балки кўшини вилоятлардан ҳам одамлар келган. Улар гурух бўлиб йиғилиб, жами юздан ортиқ одам иштирок этган. Ҳукуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари тартибсизликнинг олдини олиш чораларини кўрган.

ИИБа олиб борилганлар билан сұхбат давомида улар фаластинликларга ёрдам бериш учун келгани, аммо

қараб туриб бўлмайди. Эзгулик ўрнини жаҳолатга даъват эгаллашига йўл қўйиш мүмкин эмас.

Мана, масалан, юқоридаги намойишга чиқишига оид хабарни ўз каналларига кўйиглар унинг ўрнига паралимпиадилар эришган ютуқларни ёртисалар, қандай соз бўларди. Гап шундаки, соҳтакорлар хиёбонга одам тўлаш билан овора бўлиб юрганида Хитойнинг Ҳанчкоу шахрида Параосиё ўйинлари ниҳоясига етганди. Унда иштирок этган матонатли спортиларимиз 25 олтин, 24 кумуш ва 30 бронза медалини кўлга киритиб, Ватанимиз шукратини янада улуглади. Том маънодаги қаҳрамонлар ўтизимизда катта тантана билан кутиб олинди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, паралимпиачиларимизнинг ота-оналири, журналистлар Ислом Каримов номидаги Тошкент ҳалқаро аэропортiga келгани табиий. Лекин спортиларни шарафлашга тўпландиган мухлисларни ҳеч ким ижтимоий тармоқ орқали уюштиրмади. Уларни бу ерга ота маконнинг фурури етаклаб келди. Сайилгоҳда намойиш ўтказилган маконида таънишларни тасаввур қиласига кўрганлар шу ҳақда ўйла бўларди.



бу ҳаракат қандай ёрдам бериши мумкинлигини тушунмаганини айтган. Айримлар ҳатто Якин Шарқдаги можаронинг моҳиятидан бешабар эканини тан олган. Кўриб турганингиздек, улар соҳта аҳборот қурбони бўлишига бир баҳя қолган. Чунки Мавзумий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддасига кўра, йигилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш базавий хисоблаш миқдорининг 60 бараваридан 80 бараваригача миқдорда жарима солиш ёки 15 суткагача муддатга маъмурӣ қамоқقا олишига сабаб бўлади.

Нима учун намойишга келганини англамаган, бирювларнинг кўтусига учган инсонлар қамоқда ўтиришини тасаввур қиласигерган...

## МАТОНАТИ СПОРТ МАЙДОНИДА КЎРСАТГАНГА НЕ ЕТСИН!

Ёшларнинг аҳборот технологияларига қизиқишига, ижтимоий тармоқларда турли каналлар юритишига, ўзига хос сайтлар яратишига ҳеч ким қарши эмас. Бирор уларда жойланадиган бемаъни маълумотларга жим

Одамларнинг тинчлигини бузишига уринишдан кўра, матонатинг ва жасоратинг бўлса, спорт майдонида кўсатиб олиш олмайсанни, дегинг келади тинчликка шукр қиласига ташланади.

Ўзбекистоннинг юргагида ўти, билагида кучи бор спортилари жорий йилги мавсумнинг энг нуғузли комплекс мусобакаси – XIX ёзги Осиё IV Параосиё ўйинларида мамлакатимиз доворуғини дунёга ёйдиши. Ажодларидан буюк миллатнинг авлодлари ҳам буюк ишларга қодирлигиги, юртимиз ёшлари мардлик ва жасоратда, шижаот ва матонатда, иқтидору истеъодда ҳеч кимдан кам эмаслигиги, аксинча, маманам деган давлат ёшларидан устун эканини исботлadi.

Халқка хурсандиллик улашиш мана шунақа бўлади! Зинҳор ва зинҳор дивандага ётиб ижтимоий тармоқ титиши эмас. Элнинг қаддини, фурур-иғтихорини тоғдек кўтартган музофат йигит-қизларимизни ҳар қандай мақтасад оз. Айниқса, IV Параосиё ўйинлари фолибларини. Улар етти мучаси соғларни ҳам ирада инилиш қанақа бўлиши кераклиги бўйича маҳорат сабоги ўтиб бериши.

Яна қайта айтгинг келаверади: Ўзбекистоннинг 74 нафар спортичси паро дзюдо, паро сузиш, паро ёнгил атлетика, паро пауэрлифтинг, паро каноэ ва академик эшаки эшиш, паро таэквондо, паро велосторт турлари бўйича ўтказилган шиддатли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жами 79 та медалга сазовор бўлди.

Мана, сизга чинакам нишонлайдиган, орият ва гуруруни намойиш қиласидиган байрам! Сайилгоҳу кўчаларни тўлдиришига, фахрланишига арзидиган воқеа!

Озод РАЖАБОВ



# КЕЛИБ КЕТМА – БИЛИБ КЕТ

Сиројиддин САЙЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси

сўзлар мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида, ёнг чекка ҳудудларгача аҳолининг барча қатлами орасида акс-садо берган эди. Ёшу қари, ёркагу аёл, ўқитувчи билан шифоркор, фермер билан тадбиркор – турли касб, турли тоғфодаги ватандошларимиз оғзида шу гап, шу хайриҳо билан кўвонч ва ҳажон:

– Жуда тўғри айтилди. Вақтида айтилди. Ҳудога шукр, рўзгоримиз бут, қорнимиз тўк. Энди тарбияни ҳам бутлаш вақти келди!

Дарвоқе, ҳалқимизда ҳам бир гап бор: «**Келиб кетма – билиб кет**». Барча ўқув даргоҳларининг пештоқига эслатма қилип осиб кўйиса бўладиган давват бу. Давлат раҳбари ҳам астойдил ёшларни ўз фарзанди қаторидаги кўйиб, барака топкур, мактабга куруқ, келиб кетма, бирор нарса ўзлаштири, ўрган, ҳар куни билманинг нима биландир ошир, деб тавьидломакда.

Бу гапларнинг юртдошларимиз ўртасида нечоғлилар кенинг мухоммади қўлинганини накадар қизигин якидил билан кўйлаб-куватланганини биз қалам ахли, шахару қишлоқларда ёртдошларимиз билан бўлган учрашувларда, мулокотларда ўз кўзимиз билан кўриб, кулогимиз билан эшитяпмиз бўгун.

Президентимиз ташаббусларини ҳётга татбиқ этиш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар дастури таърібланиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларда ёртдошларимиз аниқланган. Натижалар аёлларга нисбатан ёркакларда мобил телефонларга боғланғиб қолиши ва номофобия хавфи юқоририк эканлигини исботлаган.

Олий минбардан туриб айтилган бу

ургатиш масаласига жиддий ётибор қартишга, бунинг учун шароит яратиб беришга ундаётгани.

“Агар сиз фарзандингизга данғилла ма уй куриб берсангиз – вақти соати келиб, у ёкириши мумкин. Агар ёнг ўзи машина олиб берсангиз – уям тез орада ёкириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз – уям бир кун сарф бўлиб тугаси мумкин. Аммо дунёда хеч чакон ёкириши ўйламайдиган бебаҳо бир бойлик борки, уҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва хунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган хазинадан!”

Олий минбардан туриб айтилган бу

ларга кенг қамраб олиш, ҳар бир шаҳару туманда турли танловлар, ижодий учрашувлар, мактаб, маҳалла, таълим муассасаларида китобхонлик кунларини ўтказиш, кутубхоналарга китоблар совфа қилиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш кундаклик ишишимизга айланган.

Юртдошларимиз фикр-мулоҳазаларига кулоқ тутсак, мамлакатимизда китобхонликни оммалаштириш бўйича ҳали амалга ошириш лозим бўлган ишлар, мавжуд муаммолар янада яқол намоён бўлади. Жумладан, бир адабиёт ўқитувчининг куйдаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари жуда жўяли ва асосли:

– Мактаб ва коллежларда адабиёт дарслари қамровини кескин қенгтайтириш керак, – дейди у. – Биринчи синфдан бошлаб биттагина “Ўқиш” китоби билан чегараламай, мутасил дарс сифатида киритилиши, шеър ёдлатиши, эркин мавзууда ишно ва баёнлар ёзиши тизимиши тўлақонли шакллантириши болалар онги ва тафқирини ҷархлашда катта ёрдам беради. Дарсдан ташҳари бериладиган кўшимча ўзиш адабиётлари сонини ошириш, бу жараёнига ҳам ҳакиқий дарс ва жаъобгарлик макомини бериси, рағбатлантириши ва тақдирлаш усулларидан кенгроқ фойдаланиши керак.

Ҳамма турдаги олий ўқув юртлари – у техника ёки агарар университеттада, тиббиёт ёки иктисодий институттада бўладими – биринчи босқичада оҳирги босқичага қадар адабиёт дарслари, бадиий китоб ўқитиши таъмин дастурига киритиб, унинг мажбурийлигини, битириш палласида давлат имтиҳони топшириш даражасига мавқеени таъминлашни қонуни макомга кўтагандагина китобхон-санъат, адабиёт, театр, рассомлик каби соҳа-

лик, саводхонлик борасида анча-мунча ўзга-ришларга эришиш мумкин.

Умри йўлда, самолёт ва поездларда ўтадиган тадбиркор-тижоратчи оғанийимизнинг тақлифларидан ҳам жон бор:

– Тошкентдаги катта аэропортдан тортиб, истаган вилоятингизнинг аэропорти ёки воказалига боринг, газета ё китоб сотадиган бирорта тузукрок, дўйон ё растани кўрмайсиз. Егулик, ичгулини истаганча олишингиз, ғаф, бар, ресторан ё буфетга ҳоллағанча киришингиз мумкин. Бирор поездда ё самолётда ўқиб кетишингиз учун тузукроқ газета ё китоб оламан дессангиз, йўқ, топломайсан!

Китоб, газета сотини, тарқатишини шундай жойлардан бошлаш керак! Аҳолининг турли қатламлари вакиллари, ҳар хил қасб-кордаги юртдошларимизнинг ушбу фикрларига кўшилмай иложимиз йўқ.

Ёшларимизни баркамол, баҳти кўришдек эзгу мақсад-муддаолнори ўз ичига олган бундай ташаббусларни ҳётга татбиқ этиш, ҳалқимизнинг уларни нафқат шаклан, балки мазмунин тушуншига, ўз ҳётти мисолидаги хис қилишига эришиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар залвори ҳам, кулаги ҳам катта, вазифалар кенг ва салмоқли. Ҳар биримиз эл-юрт, Ватан тақдирига ўзимизни дахлор сесзакина, уларни бекаму кўст амалга ошира оламиш. Ёшларни китоб ўқишига ундей биламиш. Қалбларида ватанпарварлик тўйуларининг гуллаб-яшнашига туртки бўла-миз.

Она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб. Ёшларимиз бу улувор китобни англомақ учун ҳам, унинг қадр-кимматига етмоқ учун ҳам жуда кўп гўзал ва чиройли китобларни муттасил мутолаа қилиши шарт.

**Маънавий бўхронлар гирдобида чайқалиб турган улкан кема янглиғ дунёни оммавий маданиятсизлик тўлқини тобора исканжасига олаётгани сир эмас. Аёвсиз бу тўлқинни фақат адабиёт, санъат, юксак маданият ва маънавият, соғлом тан ва соғлом тафаккургина жиловлашга қодир.**

Буғунги техника-технология ёхуд ахборо тезкорлиги замонида инсонни маънавий таназулудан ўзларни англаш, тарихни бўлиш, буюк аждодлардан фарҳланниш, миллий гурур ҳиссигина асрар қолади. Йиҷунин, Президентимиз ёшларга миллиатни, тарихини, қаердан келаётганини қай манзил сари кетаётганини билмоғи, англамоғи учун ҳам, ҳалиқининг, Ватанинг шаъну шавкатини баланд кўтариб, буюк бобалорни номига лойӣ, ва муносиб фарзанд бўлиб камол топмоғи учун ҳам “Китоб ўқинг”, дебяти. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларини, ота-оналарни ёшларнинг қалбида китобсеварлик тўйғусини ўйғотиш, уларни мутолаа маданиятига

ОЙНА

# Ҳаммамиз касалмиш! “АСР ВАБОСИ”ГА АЙЛАНАЁТГАН НОМОФОБИЯ

“АСР ВАБОСИ”ГА АЙЛАНАЁТГАН НОМОФОБИЯ

Ҳаво, сув ва овқат... Булар ҳаёт учун зарур бўлган элеменлар. Тез орада инсон яшаши учун зарур бўлган бу элементлар ёнига телефонларимизни ҳам кўшсак, ажаб эмас. Нега-ки, смартфонлар аллақачон ҳаётимизнинг бир қисмига айланаб ўлгурди. Бирор нарса ҳақида билмоқимизмисиз? Google’дан қидиринг. Бирор нарсани ҳисоблаш керакми, марҳамат, калькулятор. Бирор жойга бориси керак бўлса ва у манзилни билмасак ҳам кўркишга ҳожат йўқ. Ахир смартфонимизда бутун дунёни беш кўлидай биладиган харита бор-ку! Телеграмда дўстлар билан суҳбатлашиш, ижтимоий тармоқларда “сузиш”, мусиқа тинглаш, фильмлар томоша қилиш, болалар учун овунтириш воситаси, хаттоки ухлаганда ҳам ёстиғимиз тагида турдид...

Телефонда кипладиган иш бўлмаса ҳам шунчаки унинг ёник экранига термилиб ўтирамиз. Шундай килиб, ўртача фойдаланувчи ўз смартфонини кунига 150 марта очади. Бу эса асрнинг янги касалликларидан бирир, демакки, ҳаммамиз касалмиз.

**НОМОФОБИЯ – “АСР ВАБОСИ”**

Буғун кўпчиликнома номофобия касалига йўлижкан. **Номофобия** сўзи – (*Notophobia – no mobile phone phobia*) инглизчадан олинган бўлиб, ўз телефонидан узоқлашишдан кўркиш маъносини беради. Фобия, яъни кўркув касалликларининг оммабон тури. Даволаш мумкин бўлган хасталиклардан ҳам ҳавотирилори, яъни касаллик “аср вабоси” деб тан олинган. Психологлар номофобияни гўйхандандик ёки спиртли ичимликларга қарамлик билан тенг деб тан олиши мумкин. Шунинг учун дунёнинг кўплаб давлатларидан бу касалликни аниқлаш ва даволаш устида аллақачон иш олиб борилмоқда.

Буғун дунё бўйича 7,2 миллиарддан олган ўз мосил телефоннига эга. Бу дунё ахолисининг 91 физиони ташкил қиласи. Гаджетлар шаънда оларни оммалашдиган, кичик ёки болалар ҳам ота-онасининг телефонидан чексиз равишда фойдаланмоқда.

Саудия Арабистони ва Иорданияда ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, бу иккى давлат аҳолисининг 51 фоизидан ортиқроғига телефонга қарамлик ташхиси кўйилди. 51 киши иштирокчилик этган сўровноманинг 26 фоизи иштирокчилари телефонсиз қолиб кўркуви билан яшаштанини ва бундан даволаниш истаганини айтган.

Буюк Британиядаги эса аҳолининг 53 фоизи номофобияндан азотида кетадиган. Бразилиядаги 68 фоизидан смартфонларга қарамлик аниқланган. Натижалар аёлларга нисбатан ёркакларда мобил телефонларга боғланғиб қолиши ва номофобия хавфи юқоририк эканлигини исботлаган.

Бразилиядаги яқинда олиб борилган тадқиқотга кўра, оддий одам ўйин, ижтимоий тармоқ ва бошқа иловаларга кунига ўткача 4 соат вақт сарфлайди. Бу ҳафтасига 28 соат дегани. Фойдаланувчи кунига 2617 марта телефонидан фойдаланади. Сўровномага кўра, 18-29 ёшлиларнинг 22 фоизи ўз телефонини соатига бир неча марта кўздан кеширади.

Дунё мамлакатларини хавотирга солаётган бу ҳолат ҳақида Ўзбекистонда ҳали бир тадқиқот азотида кетадиган. Бразилиядаги яқинда олиб борилган тадқиқотга кўра, ўзининг 2022 йилнинг январь ҳолатида Республика маданиятидаги ҳар 100 та ўз хўжалигига 308 та мобил телефон тўғри келиши аниқланган. Демак, бизда ҳам аҳвол у қадар яхши эмас...

Дунёнинг 50 млн нафардан ортиқ аҳоли смартфон ва гаджетларга орасидан бўлалар шабకўрилиги бир ярим баробар ортган. Одамзод гаджетлар уммонига борсан гари кўпроқ шўнғимоқда ва бунинг учун кўзларини кўрбон килишида давом этмоқда.

Тиббиётда эталон ҳисобланувчи немис клиникаларинг сўнгти тадқиқотларига ётибор беринг. Мамлакатда 50 млн нафардан ортиқ аҳоли смартфон ва гаджетларга орасидан қилиб бўлган. Айниқса, 14-29 ёш оралиги



даги ўшлар ҳар куни (!) камида 274 минут вақтини мониторга тикилиб ўтказмоқда. Арзимас тулиши мумкин, аммо бу бир ҳафта, ой ёки йилга кўпайтирилса, қанча муддатга айланисини билиш қўйин эмас. Буларнинг ҳаммаси кўзга бөвсити зўрикни беради. Сўнгги уч йил ичда Германиядаги кузионий тақувишилар сони 1 млн қишига ошган.

Қарамлик кўрбони нафқат кўзларимиз, балки миямиздир. Хитойлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотда смартфонларга қарам одамларда миянинг когнитив функциялар, ижодкорлик, ақлий мослашувчанини ва мальмотни идрок этишда рақонлик учун масъул бўлган фоал қисмлари камроқ эканини аниқлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдиган, смартфонга қарам бўлган иштирокчилар рақонлик, мослашувчанини ва фикрнинг ўзига хослиги бўйича пастроқ бўлал олган.

## ЕЧИМ ҚАНДАЙ?

Тан олиш керак, телефонга қарамлик ҳозирги кунда кўпчиликнинг муаммоси. Лекин баззилар буни арзимасдек қабул қиладилар ёки умуман муаммо сифатида қарамайди.

**Дилфуза САТТОРОВА, психолог:**

– Ушбу касалликдан кутилиш учун эса ётогингизда телефондан фойдаланманг. Биз ўшишкина ўрнимизда ёнбошлаб телефондан фойдаланиши яхши кўрамиз. Ағсусли, бу ҳолат соғлиғимизга жиддий зарада етказади. Тадқиқотларини айтишича, ухлашдан олдин телефондан фойдаланиши нерва системасини фаоллаштиради ва сиз ухлашсангиз ҳам мия ўйк ёхда қолади. Ёткоз ўрнингизда телефондан бир монидан бир ичча бўлди. Уларни касалликларни пайдо бўлишига сабаб бўлиши олим. Телефонга қарамликни кетириб чиқарувчи асосий омил ҳам шу. Аммо бу телефон ҳаммаси вазифани бажаришига